

تائنگ يولدوزى

УЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
УСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиңга бошлаган.

№ 23

(6495)
1992 ИЙЛ
29 АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА
Баҳоси:
обуначига — 5 т.
сотувда — 30 т.



МЕНИНГ ҚИШЛОҒИМ

Чүккіларни тұманлар қолған тоғлар этегидеги миттегина бу қишлоқ — менинг қишлоғым. Унинг чиройига ҳусын күшиб өкәттеган тошқын сойнинг соҳилларыда менинг жұшқын болалик өнгларим

чилик қылар экан. Юртимизга ўрислар бостириб киргач. Оқ булоқнинг сувлари қуриб қолиди. Кейин эса парилар ҳам, Авлие ота ҳам ғойиб булишган... Шу-шу бу жойлар Гойиб ота аталиб кетген, қи-

зим...

Отамнинг сүзларини тинглаб, ғойиб бұлған парилар ҳақида үйлайман. Ногох оқ булоқнинг шилдиралған овози қулоғимга қалингандай бұла-

ди. — Унда анов чүккіларнинг номи нега Құшхона?

— Авваллари бу чүккіда қүшлар күп бұлған. Ҳатто, уларнинг соясы ерни булаттедек көплеган.

— Ҳозир улар қаекқа кетишган, ота? — дейман ҳавотирланып.

— Уларни бераҳм кишилар отиб ташлашған, қызым, — дейди ота үйга чүмиб.

Мен отамнинг ҳикояларини тинглаб ухлаб қоламан. Ту-

шымга оппоқ күйлакли парилар киради... Мен эса тушларым ҳеч қажон тугамаслигини истайман...

Дилфуз АХМЕДОВА,
Самарқанд вилояты, Қўшробот тумани, С. Айнин номидаги 40-мактабнинг VIII «Б» синф ўқувччиси.



Кип. Совуқнинг шашти баланд. Тун бүйін ёққан ёмғир дараҳтлар танаисида ҳам музга айланған. Деразадан илтико билан бояғтеган норасида болажонларнинг күнглида ҳаста бир илинж. Күнгли музга айланған бу кичкіншілар мәхрә зор, кимнидир күтишади.

Ёстик

остидаги пайпок

Болалик нақадар берубор, Ота ёки онаси бағритошлиқ қылиб уни ташлаб кетса-да, турли қийноқларга солиб, уйдан чиқиб кетишига мажбур қылса-да, ҳатто, дүнёға келип она сутига түймаган бўлса-да, ўшаларга интилади. Ҳаммасини унутишга, кечиришга тайёр. Ойлаб ҳатто, йиллаб йўлларига интизор бўлиб қарайди. Келармикан, дея кўзларидан милтираган ёш билан зорзор кутади. Лекин ўша бағритоши она келармикан? Юраги музга айланған болажонини бир зумгина бўлса-да, бағрига босиб кетармикан?..

— Бир куни тузуккина кийинган бир киши келиб боласини сўради, — деб ҳинқоя қиласи болалар уйи директори Мехрибон Шарипова. — Бундан ниҳоятда севиниб кетдим. Чунки ўша бола ҳар куни мендан «Отам қаҷон келади?» деб тақрор ва тақрор сўрарди. Ниҳоят, болани севинтирадиган бўлдим, дедим-да, улар ўйнаётган томонга чопдим. Ҳали

учрашув хонасидан чиқмасиданоқ бояги киши мени тўхтатди:

— Илтимос, уни чақирман!


— Нега? — ҳайрон бўлганимча қотиб қолдим.

— Истамайман. Яхшиси мана бу пайпокни бериб қўйинг.

Пайпокни қўлимга олдиму, йиғлаб юбордим. Бағритоши ота ташлаб кетган бу пайпокни ўша болага қандай беришимни билмай узоқ ўйладим. Тарбиячи ҳамкасларим билан маслаҳатлашдим. Сўнгра, боланинг олдига бориб:

— Мана, отанг сенга пайпок келтириди. Эрта-индин, албатта, келаркан, — деб ёлғон гапирдим. Бола севинганидан пайпокқа узоқ тикилиб қолди. Хуллас,

(Давоми 2-бетда).



СЕНИНГ

ҲАҚ-ХУҚУКИНГ

Дурдана Қорабоева Тошкент шаҳридаги 243-мактабда таълим олади. Дадасининг барча ишларига беминнат ёрдамчи экан. Мақтабдаги ўқишилари ҳам чакки әмас. Қундалигига фақат, яхши ва аъло баҳолар бор.

— Яхши фарзандга ҳар қанча яхшилил қылсанг арзиди, — дейди дадаси. Шунинг учун ҳам унинг туғилган кунидан яхши бир совға қишиш ниятим бор эди. Ўйлайманки, бу совға уни жуда қувонтиради.

Дурдананинг қувонишига ишонамиз. Чунки, у «Тонг юлдузи» газетасининг, ҳар бир сонини қизиқиши билан ўқиб борар экан. Умуман, китоб, газета мутлаа қилиш унинг энг севимли машигуотларидан бири экан. Дурдананинг қизиқиши доираси кенг. У дарсдан бўш вақтлариди эски ўзбек ёзувини ҳам ўрганиб борялти. Беруний майдонидаги 1-йй аҳли ҳам боадаб бу қизни мақтасади.

Дурдана! 11 ёшга қадам қўйиш арафасида сени оила аъзоларнинг барчаси — даданг, ойинг, уканг Файзуло ва синглинг Гулнора табриклаб, сенга мустаҳкам соғлиқ, ўқишиларингда, келажак ишларингда муваффақиятлар тилайди. Ўйлаган, режалаштирган ишларингнинг барчаси рӯёбга чиқсин. Доимо соғ бўл!

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

УНИНГ АКАСИ БОР

Синфимизда Бобур исемли бола бор. Негадир кўп масалаларда фикримиз қарама-карши чиқиб қолади. Шунинг учунми у билан гап талашиб қоламиз. Бобурнинг жуссаси меннидан кичкина. Уз фикрини менга ўтказа олмагандаги уришишга юраги бетламайди. Аммо алам олиш йўлни топди. Кейинги вақтларда мактабдан қайтишимда мени эшик олдидаги унинг акаси кутиб турадиган бўлди. Ўғил бола бўлиш

МАКТАБГА БОРГИМ КЕЛМАЙДИ

Ўқитувчиминг авзойи бугун ҳар кунгидан ҳам даҳшатли. Ўқишдан яхши билмаганларни доска олдига бир қатор қилиб «тердилар». Математикадан билмаганларни указка билан «сийладилар».

Барно эса синфда энг суст ўқувчи қиз. Унинг отаси йўқ. Онаси эса бозорда алланималар сотади. «Қачон одам бў-

йин. Бошқа йўл билан қочиб кетсан ҳам бўлади-ку, ўртоқларимнинг «қўрқоқ» дейиширидан уяламан. Қарабиззи, ҳар куни бирон жойим ё кўкаради, ё шишиди. Ўйдагиларга айтай дейман-у фойдаси йўқ. Нега десангиз, улар мени ҳар куни қўриқлаб юриша олмайди-ку! Ё бошқа мактабга ўтсаммикан-а?

Шерзод ВАЛИЕВ,

Тошкент шаҳри, 7-синф ўқувчиси.

ласан?» Ҳар сафар муаллимамиз шундай деб бақирганларида Барноминг юзларидаги ранг қолмайди. Бошини елкалари орасига олиб, калтак қаерига тушишини мўлжаллайди. Ана шу бақир-чақирдан кейин мактабга ҳам боргим келмайди..

В. МИРЗАҚУЛОВ,
Қарши шаҳри.

Бувимларнинг айтишича, онам ўрта мактабни «Олтин медал»га битириб, Москвадаги педагогика олийгоҳига њеч қийналмай ўқишига кирган экан. «Бир кам дунё» деган мақолни бувижоним нега кўп ишлатишларни эса мен ёшим сал улғайтаг сездим...

Онам қанчалик кўп ўқишида муваффақиятга эришганлари билан оиласда бахт тона олмадилар. Дадам ҳар доим ичиб келиб, онамни уради. Бир қанча йиллар

ман», деб келиб қолди. Бувим ҳарчанд уринсалар ҳам дадам мени ўзлари билан олиб кетдилар. Бундай «мехрибончиликнинг» асл моҳиятини мен кейин тушундим: дадамларга давлат ўйбераётган экан-у, яна бир киши бўлса 5 хона беришар экан. Ўйни олдин ҳам, лекин орамизда тутувлик бўлмади. Отам мени тинмай уради. Ахри бўлмагач, мени яна бувимларнига олиб келиб ташлади.

Мен бувимларни жуда ях-


ганларни сўзсиз бажаришар, њеч ким унинг гапини иккى қилмас эди. Ана шу «шеф» мени барча дуғонаримдан айриб, яккалашиб қўйди. Мен ёлғизликка чидай олмай, нега бундай қиласан, деб ундан сўрадим. «Ота-онаси йўқ бола ёмон бўлди. У билан юрган ҳам шундай бўлади, деди. Қандай алам қилганини билсангиз эди. Ота-онаминг ҳаёти шундай бўлганига мен айбордорманими?

Дадамларнига кетга-

Атрофимда тошбагир одамлар

чидағач, ақли заифлашиб қолиби онам бечоранинг. Касалхонадан чиққақ эса қариндошларнинг зўри билан яна бошқа кишига турмушга чиқдилар. Биз Мойбулоқ деган жойга кўчиб кетдик. Аммо ўғай отам ҳам ўзимнинг отамдан қолишиш экан. У киши ҳам ичиб келиб, онамни калтаклашдан чарчамади. Онам бунга чидай олмай ўзини ўзи...

Онам вафот этганда мен 10 ёш, укам эса 10 ойлик эди. Укамни етимхонага топширдик. Мен эса бувим билан яшай бошладим. Орадан анча вақт ўтгач. Зарафшон шаҳрида бошқа аёл билан турмуш кечираётган отам «Қизимни олиб кета-



ши кўраман. Шунинг учун ҳам қайтиб келганимдан жуда журсанд бўлдим. Чунки бувим мени 9 ойлигимдан бошлаб катта қилганлар. Уларнинг озоқ тоблари бўлмай қолса, қўлимдан келганча қарайман.

Энди ҳаммаси яхши, ҳаммаси ўз ўрнига тушшиб кетди, деб эрта журсанд бўлган эканман. Атрофимни фақат тошбагир, баджаҳл одамлар ўраб олганни кўриб хафа бўламан...

Дадамларнига кетишидан олдин ўқиган синфимда кейин келиб ҳам ўқишини давом этирдим. Синфком бизнинг синфнинг «шефи» эди. Синфдошларнинг ҳаммаси унинг айт-

нимдан сўнг менинг энг яқин дугонам ҳат ёзибди. Дарди бир олам: унинг ҳам отаси қазо қилган экан. Синфкомимиз уни ҳам ҳаммадан ёлғизлатиб қўйибди. Бугун ҳам ахволим шундай. Кизлар мен билан муомала қилмайди. Фақат синфимиздаги ўғил болалар мени юпатиб юришиди. «Қўй, хафа бўлма, ҳадемай мактаб тугайди, ўқишига кириб олсанг ҳаммасини унутасан» дейишиди. Аммо дилдаги бунча кўп яраларнинг ўрни тузалармикан, ҳаммасини унутиб бўлармикан?

Нилуфар СУННАТОВА,
Сирдарё вилояти, Ильич тумани, Пахтаобод қишлоғи.

МУҲАРИРИЯТДАН: инсон ҳаёти жуда мураккаб. Кимнинг тақдирин қандай бўлишини њеч ким олдиндан билла олмайди. Аммо инсон дунёга келган экан, у ҳар қандай шаронтда ҳам бахти бўлишга ҳақли. Биз ушбу мактубни тўлалитича ўзлон қилишимиздан мақсад ҳар ким каби бахти бўлишга ҳақли бўлган қизчага ёрдам бериш. У ҳозир ўз тақдирини ўзи ҳал этиши қийин — у ёш. Аммо ўқувчиларнинг, болаларнинг ҳақ-хукуқлари поймол бўлмаслигига ҳам вижданан, ҳам инсонийлик жиҳатдан жавобгар бўлган ўқитувчилар, маҳалла аҳли-чи?

СЕНИНГ

ҲАҚ-ХУҚУҚИНГ

АГАР СИЗНИ...

УҚИТУВЧИНГИЗ
ДАН УРСА:

- a) ота-онангизга айтасизми?
- b) директорга борасизми?
- c) жавоб қайтарасизми?



МАҲАЛЛАНГИЗДА ЭНГ «ЗУР» БОЛА ПАЙДО БУЛСА:
а) унинг гуруҳига қўшиласизми?
б) уларнинг мазах қилишларнио калтаклашларига қарамай тартибга чақиришига уринасизми?
в) милицияга хабар берасизми?

ОТА-ОНАНГИЗНИНГ
ЛАР-БУЛМАСГА КАЛТАКЛАШЛАРИГА ҚАНДАЙ ҚАРАИСИ?

Худди шу саволлар билан биз сизларга ўтган галти саҳифамизда мурожаат қилган эдик. Уларга 200 га яқин жавоб мактублари олдик. Қуйидаги уларнинг айримлари билан танишасиз.

ФЕВРАЛЬ кунларининг бирида ўқитувчимиз йўқлигига сабабли икки соат дарсизмиз бўлмади. Синф кириб, ўтган дарсларимизни тақорлаб ўтиридик. Шундай хонага рус тили ўқитувчиси кирди. Уч нафар синдошимиш ва мени доска ёнгига чакириди. «Нега жим ўтирияпсанлар?», деб ура бошлади. Уриб бироз ҳовурдан тушгач, нега гап қайтарасиз, деб яна уришига ҳезланди. Мен ростдан ҳам гап қайтардим. Нега деганингизда, у киши ноҳақдан бизни сўқиб, урди. Калтакдан ўлган одам йўқ. Аммо ўқитувчиман, ҳокимият қўлимда, деб ҳар нима қиласа ҳам индамай туриш алам қиласа экан.

И. ТОЖИМИРЗАЕВ,
Наманган вилояти, Янгиқўрон тумани.

* * *

УҚИТУВЧИМ ноҳақдан урса, ота-онамга айтмайман. Чунки бефойда. Бирон нарсани ҳал этиш, ноҳақ-

ликка аниқлик киришига уларнинг вактлари йўқ.
Д. АМИНОВА,
Хоразм вилояти, Урганч тумани, Пахтакор жамоа ҳўжалиги.

* * *
АЛГЕБРА фанидан аёл муалима дарс берадилар. Мактабимиз бироз совуқ. Қиши кунларининг бирида бир неча қизлар дарсда рўмол билан ўтиришади. Муаллимамизнинг ўзлари ҳам рўмол ўраб ўтиришларига қарамай у қизлардан бош кийимини ечиб кўйишини сўради. Совуқ бўл-

МУҲАРИРИЯТДАН: Юқоридаги саволларни ўзлон қилишдан асосий мақсад болалар ва катталар орасидаги яхши-ёмон муносабатларни таҳлил қилиб кўриш эди. Ростици айтганда, ба мақсадга жуда оз эришидик. Сабаби бигза мактуб йўллагам газетхонлар саволларга асосан «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришган. Шунинг ўзи ҳам болалар ҳали-ҳануз ким томонидан бўлса ҳам уларга нисбатан бўлаётган барча ноҳақликларга қарши ўзларини ҳимоя қила олмасликлари маълум бўлди. Саволларга жавоб йўллаш давом этди. Ўнга фақат «ҳа» ёки «йўқ», деб ёзмант-да, ўз ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеалар билан ўртоқлашинг.

лика аниқлик киришига уларнинг вактлари йўқ.
Д. АМИНОВА,
Хоразм вилояти, Урганч тумани, Пахтакор жамоа ҳўжалиги.

* * *

гани учун фақат икки-уч қизгина рўмолини ечди. Шунда у кишининг аччири чиқиб: «Сенлар безбет экансанлар, сенларни келин қилганлар..», деб ҳақорат қила бошладилар. У киши бизни ноҳақ ҳақорат қилаётган билсалар ҳам биз индамадик. Кейин ҳам њеч кимга айтмадик. Аммо бизга жуда алам қилди. Чунки директорга бориб айтсан, ҳамма «чақимчи» деб масхаралайди.

Мұхаббат УМРЗОҚОВА,
Наманган вилояти, Поптуманидаги 15-мактаб ўқувчиси.

* * *
ОТА-ОНА (агар улар алкаш ёки тошбагир бўлмасалар) ќеч қачон фарзандини бўлар-бўлмасга калтакламаса керак. Лекин уларнинг дилини ортимаслик, доимо ширинсухан бўлиш ва норизоликларга ўрин қолдирмаслик эса кўп жиҳатдан биз—болаларга баглий. Мисол учун мен мактубдан қайтгач, тушлиқдан сўнг мол-ҳолга қарайман, емиш соламан. Отам ёки онам тайинлаб кетган ишларни бажариб қўйман. Шунданми орада қаттиқ гап-сўз бўладиган ҳоллар кам. Катталар фарзандига ёмонлик исташмайди. Уларнинг айтганига қулоқ солсан уриб-калтаклашларига, бирордан ҳимоя сўрашга ҳам ўрин қолмайди.

Азамат ҚАЛАНДАРОВ,
Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги 32-мактаб ўқувчиси.

ЮҚОРИДАГИ САВОЛЛАРИННИ ўзлон қилишдан асосий мақсад болалар ва катталар орасидаги яхши-ёмон муносабатларни таҳлил қилиб кўриш эди. Ростици айтганда, ба мақсадга жуда оз эришидик. Сабаби бигза мактуб йўллагам газетхонлар саволларга асосан «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришган. Шунинг ўзи ҳам болалар ҳали-ҳануз ким томонидан бўлса ҳам уларга нисбатан бўлаётган барча ноҳақликларга қарши ўзларини ҳимоя қила олмасликлари маълум бўлди. Саволларга жавоб йўллаш давом этди. Ўнга фақат «ҳа» ёки «йўқ», деб ёзмант-да, ўз ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеалар билан ўртоқлашинг.

(Болаланиши 1-бетда).

эртасига эрталаб унинг кийимларини сараниж-сариштада моя қчи бўлдим. Аммо негадир кийимлар орасида боланинг отаси ташлаб кетган пайпоқ йўқ эди. Ҳайрон бўлдим. Уни ким олиши мумкин? Бу ноҳуш хабарни тарбиячиларга етказдим. Улар ҳам ҳафа бўлиб кетишиди. Болаланинг ўйқусини бузмайгина излашга тушдик. Лекин ќеч қаерда йўқ. Биргина болаланинг ёстиғининг остини изламаганимиз учун ўша жойга кўз ташладим. Не кўз билан кўрайки, пайпоқ бола ухлаётган ёстиғининг тагиди. Қўзимга ўш тўлди...

Тарбиячиларга йиглашти. Ота, она меҳрига зор бўлиб, унсиз йигламоқда. Қанини энди уларнинг **ОТАЖОНИСИ, ОНАЖОНИСИ?**

Болажонлар йиглашти. Ота, она меҳрига зор бўлиб, унсиз йигламоқда. Қанини энди уларнинг **ОТАЖОНИСИ, ОНАЖОНИСИ?**

ҚАЕРДАСИЗЛАР? СИЗЛАРНИ БОЛАЛАРИНГИЗ КУТМОҚДА!
Худойберган **ЖАБВОРОВ,** Жумабой Қозоқ (сураткаш). Суратларда: Урганч шаҳридан тарбиячиларро «Гунча» болалар уйин ҳақида ёзарканмиз

Суратларда: Урганч шаҳридан тарбиячиларро «Гунча» болалар уйидан лавҳадар. Саҳифа материалларини Д. Турахметова тайёрлади.



Ёстиқ остидаги пайпоқ

(Болаланиши 1-бетда).

эртасига эрталаб ун

ОРОЛНИ УНУТДИКМИ?

Үтган йили оиласиз билан Қора дengiz бүйига саёшатга бордик. Дадам «поезд билан, Москва орқали кетамиз» дедилар. Биз хурсанд бўлиб кетдик. Чунки харита орқали биз ўз сафар йўлнимизни кўриб, Орол орқали ўтишимизни билиб олдик. Бу дengиз ҳақидаги фикрларни ҳақиқатда қандай эканлигини билиш бизни қувонтириди. Аммо қувончимиз узоққа чў-

зилмади. Биз саёшатга кешида ҳам, қайтиша ҳам поезд билан Орол дengизининг у тарафи ва бу тарафи билан юрган бўлсан ҳам, дengизни кўра олмадик. Дадамнинг айтишларича, 60-йилларда дengиз деярли темир йўлнинг ёқасидагина шовиллаб турар, бекатла тушгиллар унинг мавжалиридан завқланишар экан. Энди эса у 80—100 км. га узоқлашиб кетиби. Кайфиятимиз бузилди. Бир қан-

ча йиллардан бўён Оролсиз Урта Осиёнинг ҳоли хароб, деб ёшу-қари баравар жарсолаяпмиз-у, аммо амалда, қандай иш амалга оширияпти? Аваллари бу ҳакда матбуот нашрларидан бирор янгилик олиб тураг эдик. Кейинги кунларда бундай хабарлар ҳам камайди. Наҳотки, Оролни унугтан бўлсан, наҳотки уни асрай олмасак?

Нигора
ХУДОИҚУЛОВА,
Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг 9-сифт ўқувчи.

ЎЗ БОҒИМИЗ БЎЛАДИ

Умид билан
суқилган таёқ,
Бир кун берар
мева-ю япроқ.

Мактабимиз янги бинога кўчиб ўтганига 5 ой бўлди. Унинг ялангликдан иборат бўлган ҳовлисини кўкаламзорлаштириш мақсадида кўчат ўтқазиш ойлиги эълон қилдик. Унда фаол иштирок этаётган Бобошер Бердиев, Одил Раҳматуллаев, Файрат Мажидов, Дилноз Эргашева, Зайнiddин Ҳусанов сингари мактабдошларимиз 9—10 тупдан кўчат ўтқазиши. Устозимиз Ҳайитбой Ражабов раҳбарлигига эккан кўчатларимиз сони 350 тупдан ошиб кетди.

Ҳозирги кунда эса умид билан ўтқазган ниҳол-

ларимизни парвариш қилгапмиз.

Пўлат ЖАЛИЛОВ,
Самарқанд вилояти, Челак туманидаги 8-мактаб ўқувчи.



Мактабимизда шу кунларда кўчат экиш ойлиги қизғин давом этмоқда. Авваллари ҳар бир ўқувчи экиш учун уйидан дарахт кўчатлари келтирган бўлса, бу ий ўтқазган кўчатларимизни меҳнат таълими ўқувчимиз Эркин ака Сатторов

50 МИНГ СҮМГА ЕТКАЗАМИЗ

бошчилигига тажриба ер майдонимизда етиштирилди. Мактабимиз боғлари, ҳовлилари, теварак-атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида мевали ва манзарали дарахт, гул кўчтлари ўтқаздик. Ортган кўчтларни эса мактабимиз директори ҳамда устозларимиз бошчилигига сотиб, 12 минг сўм соф даромад олдик.

Бу пулларни мактабимизнинг интизомли ва аълочи ўқувчилари учун стипендия тўлаш, кам даромадли оиласарнинг фарзандлари учун бепул нонушта ташкил қилиш, фанлар бўйича турли мусобақа ва экспурсиялар уюштириш мақсадида сарфлашни режалаштирилди.

Ҳозирги кунда эса олинидиган соф даромадни 50 минг сўмга етказиши ниятида мактабимизда кўчат учун урургик ва қаламчалар ҳозирлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Юлдуз БУРОНОВА,
Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқувчи.



Назира опа Иеқова Тошкент шаҳар, Киров туманидаги 274-ўрта мактабда бошлангич синф ўқувчилирига таълим берил келаётган моҳир устозлардан. У ўзи ўқитаётган 2-«В» синф ўқувчиларида гўзаллик ҳисларини тарбиялаш, билдидаражаларини кенгайтиришда театрлапширилган тарбиявий соатларнинг самараси юқори деб ҳисоблайди. Шунинг учун бўлса керак, ота-оналарнинг фаол иштирокида бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш анъана га айланни қолган.

Суратларда: театрлапширилган саҳналардан лавҳалар.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

— Аъзам ака, аввалим бор, муштариylарга ўқувчлик даврингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Эркинжон, сұхбатни бошлашдан олдин иккита гапим бор. Биринчиси, «Тонг юлдузи» учун сұхбатга таклиф этганинг учун раҳмат. Бу нашр саҳифасида чиқиши ўзимга мукофот, деб ҳисоблайман. Сабабини сұхбатимиз давомида билиб оласиз.


Иккинчиси, саволларини гизнинг фақат еттисига жавоб берсам. Негаки, мен «7» рақамини яхши кўраман. Оллоҳ оламни етти кунда яратган, етти кечакундуз, етти икlim бор. Етти нарсага — Оллоҳга, фарышталарга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, яхшилигу ёмонлик Парваридор томонидан эканига, ўлгандан сўнг эса, албатта тирилиш борлигига ишонган киши мусулмон ҳисобланади. Одам етти жойи — икки оёқ учи, икки тиззаси, икки кафти, пешонаси жойномозга теккан ҳолда номоз ўқиди. Хуллас, етти ўлчаб бир кесдим-да, шу қарорга келдим.

Мен ночорликдан яхши ўқишига мажбур бўлганиман. Сабаби — жудаем шўх, тўполончи эдим. «Ўқишининг эпласанг ўласанми?», деган гапни кўтаролмасдим. Еттинчи синғача ҳаммаси яхши бўлган. Бир куни отам мактабга борибдилар, «Аълочилар таҳтаси»да менинг суратим биринчи ўйилган экан, хурсанд бўлибдилар. Нарироқда «Қалампир» деворий газетасида тўполончилар рўйхатидаям менинг номимни кўриб, аччиликланибдилар. Кечқурун «Ё у томонда бўл, ё бу томонда. Ўғл боланинг тайини бўлиши керак-дал» дедилар. Шу гап ҳозиргача мен учун қонун.

— Мактабда ўқиб юрган пайтингизда қандай китобларни ўқирдингиз? Китоб

ўқишидан, аввал, уни танлай билиш керак, шундай эмасми?

— Қўлимга тушганини ўқирдим. Бирор суриштирамасдиям. Лекин эртак ўқимаганман. Бувим, акаларим қайси китобни ўқишиган бўлса, улардан кейинроқ мен ҳам шуни ўқирдим. Болаларга мўлжалланганлари ҳалилакамга ўхшарди. Сакказинчи синфдагимда Икром Остонқулов деган бир



бўлган бир воқеани айтиб берай. Мактаб болалари масжидга чиқиб номоз ўқиганларида уларга тазийә ўтказиши.

— Ёмон қарайдиман. Инсон эркига ҳуруж қилмаслик керак. «Ўқитувчи қандай бўлса, ўқувчиям шундай бўлсин!» деган гап қаерда бор? Масалан, мен қизим Тўмарис, ўғлим Темурга калима шаҳодат, кичик-кичик суралар ёдлатганман. Уларнинг мусулмон-номозхон, тақвдор бўлишларини истайман. Хўш, улар мактабга боргач, ўқитувчилар тазийә ўтказса... Мен нима қилишим керак? Бу масалада кўпчилик фикр сўрайди. Ўқитувчиларни тушуниш мумкин — улар ҳам ўз вижидони, дунёқарашига мос иш

расиз, у ҳамманини. Биринчи китобим ёшликтаги шеърлардан иборат. Иккинчиси — «Кузатиш»ни мен болаларим учун ёзганиман. Бошқаларни билмайман, лекин менинг фикрим шундай: яхши асар — ҳамманини.

— Аъзам ака, сиз ҳозир болалар эътиборни қозонгай, улар учун кўпладб севимли китоблар нашр қилинадиган «Чўлпон» нашриётида бўлим мудирини бўлиб ишлайсиз. Айтинг-чи, нашриётда чоп этилаётган китоблар савиаси қандай? Умумай, улар ўқувчилар учун нима бера олади?

— Ҳозир нашриёт учун қийин кунлар кечаяти: қоғоз қиммат, нашр ишларига тўланадиган ҳақ катта, одамларда пул кам. Гап бир

яна бир жасорат кўрсатишди. Чўлпоннинг бир саҳифа шеърларини эълон қилиши. Уша пайтдаги муҳаррир Абдусаид Қўчимов ва ижодий жамоага яна бир карра раҳмат айтгим келади.

Китобларга келсал, ўзбек халқи тарихини ўқитиш ҳам ҳозир яхши эмас. Дарслик йўқ. Шу боис бизда «Расмларда Ватан тарихи» деган олти жилдлик китоб нашр этилаётти. «Бобурнома», «Темурнома», «Шажараи турк», «Тўрт улус тарихи», «Туркӣ қавмлар тарихи», «Тазкиратул авлиёи туркӣ» каби дурдона асарларнинг босилиши катта иш. Болалар бу китобларни ҳозир ўқиси — Ҳудони, халқини, ўзини, дўсту душманни ҳозир таниши учун керак. Шу нарсани болалар олодсиз, биз катта халқ эканнини яна бир карра исбот этамиз.

— Болалардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?
— Ёлғон гапирмайдиган, кўркмас, чўрткесар, хушчақчақ, қизиқувчан ва тиниб-тинчимас болалар ёқади менга. Эҳтимол, бу ўзимнинг фарзандларим шундай бўлганигидандир. Мен болаларим нима ҳақда савол беришса, албатта, жавоб бераман. «Бор ўйна!» деб ёлғон кидим. Бир куни қизим: «Дада, қачон машина олаласиз?» — деб қолди. «Президент бўлганимда», — деб жавоб кидим. Шунда у: «Ие, унда шеърни ким ёзди? — деди. Бу шунчаки гапга ўхшайди. Лекин менга асосий ишдан чалғимаслигим кераклигини шу қизча яхшилар тушунтириб ўйиди. Фарзандларим — менинг дўстларим. Болалари гапида дўст бўлолмаган ота ҳақиқий инсон саналмаганидек, ўз отасига чинакам дўст бўлолмаган фарзанд ҳам чинакам одам ҳисобланмайди.

Сұхбатни Фарғона Давлат Дорилғунийн толиби Эркин ДОРИПОВ олиб борди.

«ФАРЗАНДЛАРИМ—ДЎСТЛАРИМ»

ШОИР АЪЗАМ УКТАМ БИЛАН СУХБАТ

акамиз билан танишиш жуда катта фойда берди. Биринчи марта Чўлпон шеърларини ўша кишидан эшишиб, ўқиганман. Есенин, Лермонтов, Хемингуэй, Достоевскийларни ўқий бошладим. Мен ҳозир ҳам: «Бу болаларга мос, бунниси тўғри келмайди», деган гапга ўқишилайман. Ўзизони ўзи топиб олаверади, деб ўйлайман.

— Сизнингча, қишлоқ мактаби билан шаҳар мактабининг фарқи нимада?

— Шаҳар билан қишлоқ, уларнинг аҳли орасида қанча фарқ бўлса, мактаблари ўтасидаям шунча фарқ бор. Рост, шаҳардаги шароитни кўриб қишлоқдаги тириштоқ, билимдан болаларни эслайман. Қанийди, шу шароит ўшаларда бўлса, деб ўйлайман.

— Аъзам ака, қишлоқда тутишлари табиий. Лекин бала-чи? У ўз фикри бўйича яшаши мумкини-йўқми? Агар бир кун келиб менинг фарзандларим шундай муммога дуч келишса — уларни мактабдан чиқариб оламан. Ўзимнинг фожиам — худобехабар ўтган йилларим авлод-авлодимизга етади.

— Сиз «Кузатиш», «Кузда кулган чечаклар» каби шеърий мажмуаларининг муаллифисиз. Болалар учун ҳам бирор асар ёзиши ўйлаб кўрганмисиз? Болалар адабиётига қандай фикр билдирасиз?

— Мен учун тўсиқ йўқ,

ҳамма асарлар болаларга ва айни вақтда катталарга ҳамдир. Жаҳон классиклари ижодини кўринг. Менинг устозим — Анвар Обиджон. У кишини болалар адиби дейишиди. Кечин

оз чўзилсаям шу ўринда бир нарсани айтмасам бўлмайди. 1988-йилда Чўлпон шеърларини тарғиб қилиш ҳато эканлининг кескин айтди. Лекин биз китобни тайёрладик. Шунда: «Аввалроқ бирон газетада айрим шеърларини чиқариб олайлик» деган фикр айтилди. Мен кичкина мақола ёзиб, беш-олти шеър билан бир-икки жойга бордим, иш чиқмади. Шунда «Ленин учқуни» гаям бир киргим келди. Бу газетада «Ўрта Осиёни ўрислар босиб олган» деган гап босилгани учун уни «Правда» газетасида танқид қилган пайтлар. Шунга қарамасдан бу ерда ватанпарвар инсонлар,

Қизалогимиз АЗИЗА!
Сени 6 баҳоринг билан
чин дилдан қутлаймиз.
Боқий умр кўриб, барка-
мол инсон бўлиб етиши-
шингга тилакдошмиз.

Мирзаевлар оиласи.

Қашқадарё вилояти, Ко-
сон туманинаги Ленин
номли давлат хўжалиги.
Хўжақўрон қишлоғи.



Ширинтой жияним
ДИЛСУЗХОН!

8 ёшинг муборак бўл-
син! Болаликдаги жами-
ки берубор, соф орзула-
ринг ушалсин. Омад сен-
га ҳамиша ёр бўлсин.

Сени қутлаб Мадра-
химовлар оиласи.

Фарғона вилояти, Уч-
кўприк тумани, Гул қишло-
ғи. 43 хонадон.



Қизимиз МАТЬСУМА!

Сени ойламиз аъзола-
ри номидан 10 баҳоринг
билан муборакбод эта-
миз.

Сенга сиҳат-саломат-
лик, ўқишларингга ривож-
лар тилаб қоламиш.

Каримовлар оиласи.

Косонсой тумани, Тер-
гачи қишлоғи.



Исми жисмига монанд
қизим ЗЕВОХОН! Сени
11 баҳоринг билан сами-
мий муборакбод эта-
миз. Соғу-саломат юргиз. Гул-
гун чеҳрангдан табассум
аримасин.

Тошкент вилояти, Чи-
ноз тумани. Қизил Ок-
тябр жамоа хўжалиги.

Ҳакимовлар оиласи.

Азиз фарзандимиз ГУЛ-
АСАЛЬБОНОУ!

Лаъли лабингдан кулгу,
тебассум боримасин.

Биринчи мучал ёшинг би-
лан қутлаб онанг ва даданг.

Тошкент шаҳар, Киров ту-
мани, Юнус-Обод даҳаси.
Белинский номидаги 51-
мактаб.



Мен эртакчи эмасман. Би-
роқ болалигимда бобом
ривоят қўлган бир эртагим
бор. Бу эртак эртак эмас, ҳа-
қиқат туюлади менга. Ке-
линглар, болажонлар, бола-
лик эртагимни сизга зиқр
қила қолай. Зора эртакни
тинглаб, шокир бўлсангиз.
Ҳақиқатни англаб олсангиз.
Зора...

Қадим замонда, кунтуғар
томонда, зарқокил Зарабашон-
нинг шундек ёнида бархан-
лари айик келбат, юлғунла-
ри сулуң сунбат Қизилкум-
нинг қоқ белида бир гўзал,
оллоҳ ёрлақаган ўлка бўл-
ган экан. Ўлка кундан-кунга
яшнаб, жаннатга айланиди.
Осмонидан офтоб ўтса, хур-
жуни тешилиб, ҳадсиз тилло-
си тўклиб қолаверар, булут
сайрга чиқса, ҳайратдан ҳа-
рир пардаси чоқидан сўкли-
либ, дури-марваридлари бу
юрт узра сочилиб кетар-
мис. Ям-яшил дапалари, ол-
тин яйловлари таърифига
муносиб тимсол тополмай
қалам синик, шоир гунг,
сўз оқиз, куй ҳаловатсиз
екан. Одамларини айтмай-
симни одамларини. Уларни
ҳозиргилар билан соли-
штирганда фазилатлари юз
чандон ортиқ келар экан.
Қалблари тупроқларга буюк
ишк билан бўлганган, ақл-
лари бутун замин ҳодисалари
ҳақида энг одил, энг чўнг
фикр юритаркан. Уларга
кўк ҳам ихтиёрини топ-
ширибди. Мунахжимлари билан
юлдузлар алоқа ўрнатган,
кунора мулоқатлашиб тури-
шаркан. Бу юрт фарзандлари
содда бўлмас-да ниҳоятда
очик кўнгил, ўта самими, ишонувчан бўлиб борибди-
лар.

Шубҳасиз, ўлканинг довру-
ги ер юзи ошибди, жамики
одамизот боласига маълум
бўлибди. Уларга келиб-кетиб
турган ҳавас ва ҳасад карвон-
ларининг адоги кўринмай
қолибди. Тўшагида илон янг-
лиг тўлганиб ётадиган ға-
нимлар нима бўлса-да бу
юртга эзалик қилиш пайига
тушишибди. Карвонларига
тужжор қиёфасида хийла-
кор ёвуз мәккадларини кў-
шиб боришибди. Юртга бо-
рувчилар «итлиқ» имтихони-
дан ўтгандан кейингина бу
шараға мушарраф бўлишар
екан. Яъни айғочилар юртга
борса, итдек бўлиши, керак
бўлса, најас устида ястани-
ши, номуссизликни ўзига эп

билиши, бироқ вақт келгач
копишига шай туриши керак.
Юртга шундай талабга мун-
носиб, ғаним ажнабийлар ҳар
томондан ёпирилиб келаве-
ришибди. Захар тилларига
асал ялаган бу ажнабийлар-
га қизил қумилкларининг очик
кўнгил, ишонувчанликлари
жуда кўл келибди. Ҳаммани
ўзидай билган зотлар ажна-
бийлар аврашларига лаққа
тушиб, ўлкани янада кўхли
қилиш ҳаёли билан машғул
бўлишибди.

Ғанимлар эса ҳаёллар тў-
ла ваъда устига ваъда бе-
ришдан чарчашибди. Хил-
ватларда эса зидан юртга
эгалик қилиши бир зум ҳам
тўхтатишшибди. Ўлканинг тогу-
тошни кўриб, боғу-роғининг
хосилидан ҳайратланиб, одам-
ларига ёлтоқилик қилиб бу
чулчиллар кўп нарсани би-

Чулчилларнинг тўрт хиз-
маткор девлари бор экан.
Ўлка эгаллангач, девлар
юртнинг тўрт тарафидаги
биёбонга келиб ўрнашибди-
лар.

Девларнинг биринчиси
фақат одам нафасини та-
новув ќиларкан. Бунинг эва-
зига у чулчилларга кўки ва
тупроғидан бир дунё зар-
тўплаб бериши гарданига
олибди. Нафасхўр деб буғ-
дойрангдан келган, келбат-
ли ва сулув, жасорат ва
иродада тенгисизларнинг на-
фасини жуда хуш кўаркан.
Унинг дастидан қанчадан-
канча бундай фазилат ва
кўрк соҳибларига қирон
келибди. Улар қолмабди ҳи-
себи.

Иккича дев эса ўсимлик-
лар дунёсига кўнгли суст
кетганлардан экан. Уфурса

Кийим кўринишидан жуда
чиройли тусда, аслида қа-
фаснинг ўзгинаси экан. Уни
кийганинг танаси сўлиған
гул қаторига тушар, ғунча
ёшида ҳазон фаслида бўлар-
кан.

Бу кийим жодулланган,
жодусиз қолса чарм қоп-
ни ундан тузукроқ дейиш
мумкин эди. Бу девнинг ка-
софатидан ўлкада бир мис-
қол тоза ҳаво қолмабди.
Одамлар бўғилиб ўла бош-
лабдилар. Ҳали ўзлигидан
қолган бир қисм қишилар эса
тоғ ва даштларга қочиб чи-
қиб, хору хўрлиқда умргузо-
ронлик қилишибди.

Ўлканинг энг гўзал, хуш-
ҳаво жойлари, беҳорий гў-
шалари чулчилларни бўлиб
қолибди. Бир пайтлар бу
ернинг қонуний ҳукмдори
бўлганларнинг болалари эса

лидан ҳамма ўзича зорла-
нارкану ўзича меҳрибонлар
излаб, меҳрсизлик гаврони
билиш қашони савалаб, дил-
лини яралаб юборишаркан.

Шунда чулчиллар уларни
бу қасалдан фориг этмоқ
мақсадида эмас, ҷалғитмоқчи
бўлиб, ҳосилдор дала арпа-
сига боқиб шунчага пуд буг-
дой ишишириб беринглар,
дейишибди.

— Ахир, бу ерда арпа ўс-
мокда-ку? Жонидан кечиб
бири ғазабини яширолмаб-
ди. Ҳақиқатгўйнинг дарров
тили кесилди. Кесилган
тилини кўрган бошқа тиллар
ўзларини қимирлатишларига
ҳам мажоллари келмабди.
Айни суюксизликларига тұн-
кашиби. Арпа ўрнига буғ-
дой топшириб, арпани буғ-
дой деб сотишибди. Ҳамма
олибди, тановул қилиб улар
ни малигини аংглашгач, ҳаёт
қонунини улар ҳам ўзғартири-
шибди. Учларини олмок мак-
садида умрлари бўйи бош-
қаларини алдаб яшашга қасд
қилишибди. Ўлкани ёғон забт
тиби. Ва, бунда дарахт ўтин,
сув, оғу, кўк ер, одам одаҳмур
тубанлигига етгач, чулчил-
лар бу юртдан оладиган
нарсаси қолмабди. Умидлар-
ни кесилиб, янги жаннат
излаш пайига тушишибди.
Вайроналар оралаб, улар
карвони кўзғалғандан ким-
мат қойим кўнибди. Тупроқ
бир оҳ уриб бағри топтали-
шидан ёрилиб кетибди. Юрт
ҳам, унинг болаларию аж-
набий чулчиллар ҳам янги
жаннат ташкынлашибди. Улар
кони билан суғорилган тупроқ
қизил ранг олибди.

Тамукъда ўсмоний ўрн

Чулчилларнинг қуллари, чў-
риларига айланшибди. Бун-
дан-да алам қиласигани қи-
зилкумларни бу юмушдор-
ликдан ҳазар қилиш ўрнига
чулчилларга хизматкор, ито-
аткорликда келмабди.

Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу дев-
нинг товони дарахтларнинг
яшил кони ҳар йили минг
карвонда ўйла чиқиб чул-
чилорни қоринларини мешлаб
хийлакорликларини пешлар-
кан.

Учинчи биёбонда ўрнашган
дев соғ ҳаво еркан. Унинг
нажасини чулчиллар тўплаб,
кийим-бош қилишар ва тилла
баробарида пуллашарканлар.
Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу дев-
нинг товони дарахтларнинг
яшил кони ҳар йили минг
карвонда ўйла чиқиб чул-
чилорни қоринларини мешлаб
хийлакорликларини пешлар-
кан.

Учинчи биёбонда ўрнашган
дев соғ ҳаво еркан. Унинг
нажасини чулчиллар тўплаб,
кийим-бош қилишар ва тилла
баробарида пуллашарканлар.

Чулчилларнинг қуллари, чў-
риларига айланшибди. Бун-
дан-да алам қиласигани қи-
зилкумларни бу юмушдор-
ликдан ҳазар қилиш ўрнига
чулчилларга хизматкор, ито-
аткорликда келмабди.

Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу дев-
нинг товони дарахтларнинг
яшил кони ҳар йили минг
карвонда ўйла чиқиб чул-
чилорни қоринларини мешлаб
хийлакорликларини пешлар-
кан.

Чулчилларнинг қуллари, чў-
риларига айланшибди. Бун-
дан-да алам қиласигани қи-
зилкумларни бу юмушдор-
ликдан ҳазар қилиш ўрнига
чулчилларга хизматкор, ито-
аткорликда келмабди.

Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу дев-
нинг товони дарахтларнинг
яшил кони ҳар йили минг
карвонда ўйла чиқиб чул-
чилорни қоринларини мешлаб
хийлакорликларини пешлар-
кан.

Чулчилларнинг қуллари, чў-
риларига айланшибди. Бун-
дан-да алам қиласигани қи-
зилкумларни бу юмушдор-
ликдан ҳазар қилиш ўрнига
чулчилларга хизматкор, ито-
аткорликда келмабди.

Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу дев-
нинг товони дарахтларнинг
яшил кони ҳар йили минг
карвонда ўйла чиқиб чул-
чилорни қоринларини мешлаб
хийлакорликларини пешлар-
кан.

Чулчилларнинг қуллари, чў-
риларига айланшибди. Бун-
дан-да алам қиласигани қи-
зилкумларни бу юмушдор-
ликдан ҳазар қилиш ўрнига
чулчилларга хизматкор, ито-
аткорликда келмабди.

Касал-соғ қолган дарахт
меваларидан таътиб кўрган
одам болалари эса соппа-
соғ юриб, лоқайдлик ҳола-
тига ўйлишибди. Бу ҳас-
талик бедаво, юқдими, ун-
дан ҳолос бўлиш ўлим
билиш баровар экан. Бу